

Одам уйдан чикди, эшигини берклади — ўзининг ўрнига кулфни эга колдирди.

Кулф бутун бошли уйга, уйдаги мулкка эга чикканидан хушёр тортиб, эшикни итарса ҳам, тортса ҳам очилмайдиган килиб, махкам тишлаб тураверди. Уй эгасининг уйда йўклигидан беҳабар одамлар уни йўклаб келдилар: ундан олган карзини бермокчи бўлиб дўст келди, унга берган карзини олмокка чоғланиб дўст душман бўлиб келди, унга тегаман деган киз келди, орани бирёкли килмокчи бўлиб жувои келди, ирга кўраман, деб бир хотин келди, меҳмонга чорламокчи бўлган таниш келди, меҳмон бўлишга чоғланган нотаниш келди, зерикканидан каерда лакиллашни билмай юрган бир биродари азиз ҳам келиб кетди...

Кулф буларнинг хаммасига кўрс муомала килди, эшикни итарсалар ҳам, тортсалар ҳам махкам тишлаб тураверди. Кетинглар, уй очилмайди, деб айтишга ҳам чоғланди, лекин огзини очса, эшик ҳам очилиб кетишини билиб, жим тураверди.

Одамларнинг хар бири эшикни итариб-тортиб кўришди, эгилиб тиркишдан карашди, балки уй эгаси дунёдан воз кечиб, устидан кулфлаб ётиб олгандир, деб чакириб ҳам кўришди. Унга тегаман деган киз қачон келишини мен учун бирон коғозга ёзиб, кистириб кетгандир, деб эшикнинг зийларигача караб чикди, келиб колар балки, деб анча махтал турди ҳам.

Биродари азиз: «Хой фалончи, мен фалончиман, уйда бўлсанг, кўп таранг килмай, оч эшикни, зерикиб кетяпман-ку», деб бакириб ҳам кўрди...

Кулф уйда эгаси йўклигини билиб турса ҳам, уларга тушунтирмади, кани, туёқларингни шикирлатинглар, демокчи ҳам бўлди-ю, аммо шикирлашдан чўчиди; шикирлашдан бошка сўзни ҳам билмас эди, билганда тишининг орасидан бир нарсаси дерди...

Чунки бу одамларнинг хаммаси унга ажнабий эди.

Сўнгра бир мушук келди, эшикнинг зийига мўйловларини суйкади, бу очиладиган туйнукми, очилмайдиганми, деб мушук акли билан ўйланиб колди. Мушук вақтини бекорга кетказмайдиган хўп саводхон эди: эшикдан келаётган хидларни гўшт, кази, хасип, пишлок, деб шаррос ўкиб ташлади, айникса сичкон деган хидни завк билан мутолаа килди.

У эшикка ичидаги шундок мазали саргузашт устидан ёпилган катта китоб муковасига карагандек термилиб, кўп афсусли миёвлади.

Кулф шундок ўқимишли мушукнинг илмини назарга илмай, без бўлиб тураверди.

Лўкиллаб бир кўппак ҳам келди. Кела солиб мушукка ташланди. Хе йўк, бе йўк, бирдан бўлган бу хужумдан довдираб колган мушук пихиллаганча томга отилди.

Кўппак кўчада, мушук томда, дод-муомалани бошлашди.

Тўпори кўппак мушукдан нима ёмонлик кўрганини ўзи хам билмай, хўп сўкинди, мушукнинг етти пуштини тупрокка тенг килди, тарбия кўрган мухтарам мушук эса бир-икки марта ёзгирди, холос. Дод-муомаланинг мазмуни шундай эди: кўппак мушукка ўзининг кўппак тилида: «Хе катта бувангни... хушомадгўй, алдокчи... одамларнинг кўгирчоги, сичконпараст, падари кусур... фалон-писмадон мушук, паст —доим мушуклигинга борасан, пўстинингни бурдалаб ташламасам, кўппак отимни бошка кўяман», деб дўк ураётган, мушук эса: «Пандаваки! Ювиндихўр! Еганинг — саркит, ўзинг гўр бўлармидинг, башарангга кара — мушук уялади», деб мушукчалаб узиб-узиб олаётган эди.

Кулф эса бу галвадан боши котиб, зинграйиб тураверди.

Бу воқеа кўп такрорлангани, сал ўтмай яна кайтарилишини билгани учун кўппак хам, мушук хам кўп асабийлашмай, шунчаки йўлига манжашиб туришдида, кейин иккаласи икки томондан: мушук томдан, кўппак кўчадан кетншди.

Гап шундаки, кўппак хам, мушук хам ўз тилида гапиришган бўлса-да, иккаласи хам бир-бирини жуда яхши тушунишарди, чунки иккаласи хам бир кўчанинг фукароси эди.

Аммо иккаласи хам кулфга ажнабий, негаки улар кулфнинг мулкида яшамас, шундан кулф уларнинг тилини билмас эди.

Кўча хувиллаб колди.

Кулф эшикни махкам тутиб тураверишдан зерикди. Мен бўлмасам, бу эшик қандай кун кўрар экан, очилиб ёпилаверганидан эси огиб колса керак, деб ўйлади.

Яхши хамки, мен бор — тартиб бор, деб мамнун хам бўлди. Лекин мамнунлигиини нимага изхор қилишини билмай, баттар зерикди.

...Кейин кўзлари аланг-жаланг бир кимса келди, эгилиб кулфга меҳр билан термилди.

Кулф сал бўлмаса, огиз очиб гапириб юборай, деди. Лекин бу кимса хам тилимни тушунмайди, деган ўйда жим котди.

Кимса бошкаларга ўхшаб эшикни итариб-тортиб кўрмади, эгилиб тиркишдан карамади, чўнтагидан кулфларнинг сўзи шода-шода тизилган сим халкани чикарди — бу кулф тилининг лугати эди, шу билан уни гапга солди.

Излай-излай керакли сўзни топди, шу сўзни кулфга охиста айттирди... Хатто уйнинг эгаси хам кулфга бундай юмшок муомала килмас, уни шакир-шукур қилиб гапиртирар эди...

Бу кимса кулфни шунака ардоқлаб, шунака хурматини жойига қўйдик... кулфнинг боши

айланиб кетди.

Ахир, бу кимса канакадир тарбиясиз бир кўппак ёки тарбияли бўлса ҳам, мушук эмас, хатто одам ҳам эмас эди-да!

Бу кимса кулфга ажнабий ҳам эмас эди.

Бу кимса оддий кулфбузар ўгри эди.